

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 172 (10.225)

2004 ЙИЛ 7 СЕНТЯБРЬ

ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида юз берган фожеа жаҳон аҳлини ларзага солди. Бу муҳажир воқеа террор балосининг мамлакат, миллат, ёш танламлигини яна бир марта кўрсатди. Юзлаб гўдаклар, ўн гулдандан бир гули очилмаган йигит-қизлар-мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар террор қурбони бўлди.

Шу муносабат билан Россияда 6—7 сентябр кунлари мотам кунлари деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 6 сентябрь куни Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчиликка ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига, Россия халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди. Элчиликнинг Тазия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдириди.

— Шимолий Осетиядаги террорчилик туғайли ўз яқинларидан айриқанларга

ва жабрланганларга таскин—тасалли бериш, тазия изҳор этиш учун сўз топиш эълон қилинди, — деди Ислам Каримов. — Бесланада юз берган воқеаларни кузатишнинг ўзи жуда оғир. Террор қулфати халқимизнинг ҳам бошига тушган. Шу боис бутун мамлакатимиз аҳли Россия халқи билан ҳамдард.

Президент Ислам Каримов Россиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Фарит Мухаметшин билан суҳбатда Ўзбекистон Россия билан ҳаммиса — яхши кунларда ҳам, мусибатли дамларда ҳам бирга эканини таъкидлади.

ЎЗА



СУРАТДА: Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси Ғофуржон Исмолов ўқув амалиётини бунёдкорлик майдонларида амалга оширмоқда.
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

XVI саҳоси

Барча маъблардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Сирдарё шаҳридаги Наврўз маҳалласида Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллиги нишонланган кунларда турли тадбирларни ўтказиш учун катта зал, машиш хизмат ва савдо шохобчаларини ўзида бирлаштирган янги гузар очилди. Уни тадбиркор Зоир Отаев ўз маблағлари ҳисобидан қуриб берди.

● Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Ғиёс Умаров номидаги ширкат хўжалигида 140 мингга яқин кишига хизмат кўрсатадиган барча қулайликларга эга соғломлаштириш маркази ва кишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

● «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Бухоро вилояти бўлими сифатли алоқа ва компьютер воситалари билан тўлиқ жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтди.

● Қашқадарё вилояти, Қитоб тумани, Сарисийё кишлоғида спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланишга мўлжалланган замонавий спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

● Навоий шаҳрида «Тўй-ҳашамлар маркази» иш бошлади. Уни ташкил этишдан мақсад тўй-ҳашам, маърака ва маросимларни ихчамлаштириш ва камхарж ўтказишни таъминлашдан иборат.

● Фарғона шаҳридаги «Истиклол» теннис мажмуида теннис бўйича ёшлар ўртасида «Fergana cup» халқаро турнири янқуланди. Унда Япония, Ҳиндистон, Россия, Қозғоғистон, Украина, Молдова каби 12 мамлакатдан 62 нафар теннисчи иштирок этди.

Жаҳонда

● АКШ Президенти Жорж Буш Визасиз дастурда иштирок этувчи 27 та мамлакат фуқаролари паспортига хавфсизликнинг био-метрик кўрсаткичларини яна бир йил киритиш мумкинлиги тўғрисидаги қонунга имзо чекди.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Сурияни Ливандан ўз қўшинларини олиб кетишга чакирувчи резолюцияни қабул қилди.

● Гага трибунали Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевичнинг соғлиги ёмонлашгани туғайли унга суд жараёнларида ўзини ҳимоя қилиши учун адвокат олишига рўхсат берди.

● Би-Би-Си ахборот агентлигининг маълум қилишича, Франция ҳукумати бюджет тақчиллиги ҳақини қисқартириш мақсадида France Telecom телекоммуникация компаниясидаги ўз пакетининг бир қисмини сотиш ниятида.

● МАГАТЭнинг ўзини маълум қилмаган ходими Reuters ахборот агентлигига Берган интервьюсида айтишича, Жанубий Корея ўз ядро қуролини яратиш арафасида.

«Универсиада-2004»

БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Самарқанд шаҳрида талаба ёшларнинг «Универсиада-2004» мусобақалари қизгин давом этмоқда.

Универсиаданинг илк медаллари соҳиблари кураш беллашувларида аниқланди. Етти вазн тоифасида гиламга чиққан полвонлар орасида жаҳон, қитъа чемпионтлари, халқаро турнирлар гойиб ва соҳриндорлари борлиги мусобақаларнинг анча кескин ва мурасасиз ўтишини таъминлади.

Ўз вазн тоифасида самарқандлик Фурқат Маматов, Дилмурод Мавлонов, Икром Нуруллаев, Тошкент-1 жамоаси вакиллари Рамзиддин Саидов, Абдулла Тангриев, Чингиз Бойматов, Тошкент-2 жамоаси аъзоси Очин Равшанов универсиада олтин медалини қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида эса мезонлар биринчи ўринни эгаллади.

— Самарқандга келган полвонлар аввалги универсиададагилардан кўра анча кучли ва тажрибали экани намойён бўлди, — деди Афина Олимпиадаси иштирокчиси, Тошкент давлат иқтисодиёт универ-

ситети талабаси Рамзиддин Саидов. — Бухорода ўтказилган универсиадада кураш бўйича учинчи ўринни эгаллаган эдим. Самарқандда биринчи ўрин учун гиламга чиқдим ва ниятimgа етдим. Энди дзюдо беллашувларига тайёргарлик кўрялман.

Сузиш мусобақалари ҳам кўпчилик муҳлису мутахассислар эътиборида. Пойтахт, Навоий, Наманган ва Тошкент вилояти сузувчилари универсиадага пухта тайёргарлик кўрганлини исботлади.

Шу боис эркин усулда 200 метрга ўтказилган эстафетада эркаклар ўртасида Навоий жамоаси вакиллариға етадиган топилмади.

Кейинги ўринлар Тошкент-1 ва пойтахт вилояти вакиллариға nasib қилди. Қизлар баҳсида совринли ўринларни Тошкент-1, Наманган ва Навоий спортлариға эгаллади.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли

Янгиликлар, воқеалар

Қишда

● СОБИР Раҳимов туманида қуриб битказилган «Ёшлар» интеллектуал маркази ва спорт мажмуаларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● ЮНУСОБОД туманидаги «Обод» маҳалласида Меҳр ва муруват йили ҳамда Мустақилликнинг 13 йиллигига бағишлаб уюштирилган тадбирда маҳалла фаоллари иштирок этишди.

● БЕКТЕМИР туманидаги «Маърифат» маҳалласи гузаридида «Юртим, Истиклолнинг абдий бўлсин» мавзусида ўтказилган тадбир «Меҳр қўли» нодавлат нотижорат ташкилоти, «Маърифат» маҳалласи фуқаролар йиғини ҳамкорликларида уюштирилди.

● МЕХР ва муруват йили муносабати билан шаҳримиздаги 2-Муруват уйида Ватанпарварлик акцияси уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳоқимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ТЕННИС ЮЛДУЗЛАРИ ЁҒДУСИ — ЯНА ТОШКЕНТДА

БУГУН кечқурун «Тошкент теннис маркази» да теннис бўйича Осиё чемпионати-нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

Эслатиб ўтаимиз, галдаги чемпионат 32-мисобланади, Тошкент эса бундай нуфузли қилга уйинларининг уч йилдан буён кетма-кет ўтказилиш манзили бўлиб келмоқда. Бу сафар Австралия очиқ чемпионатиға йўланмани қўлга киритиш учун Тошкентга 20 га яқин Осиё давлатларидан энг кучли теннисчилар ташриф буюрган.


«Осиё чемпионати-2002» турнирининг шохсупаси япониялик теннисчиларға nasib этганди. Утган йилги уйинларда голибликни испаниялик Пуано Паскуаль ва ҳамюртимиз Вадим Куценко қўлга киритганди.

Осиё чемпионатининг навбатдаги турнирида мамлакатимиз шарафини эркаклар ўртасида олтига, аёллар ўртасида эса 11 нафар теннисчилар ҳимоя қилади. Шубҳасиз, биринчи ўлиқдаги энг кучли теннисчилар рўйхатидан ўзбекистонлик Вадим Куценко, Мурод Иноятов, Дмитрий Мазур-

лар ўрин эгаллаган. Шунингдек, янги номлардан «квалифайн» уйинларидан асосий жадвалға осонликча йўлланма олган Акмал Шарипов ва Андрей Болдаревни келтириш мумкин.

Аёллар ўртасида биринчилардан кортга ҳамюртларимиз Влада Экишбарова ва Мария Твердиқова бир-бириға қарши тушади. Самарқанддаги «Универсиада-2004» уйинларида муваффақиятли иштирок этган Окгуль Омонмуродова чемпионатда тўттин тайпейлик Чиа Жун Кван билан беллашади. «Осиё чемпионати-2002» турнирининг финалчиси Иванна Исроилова биринчи баҳсда гонконглик теннисчи По Киен-Лау билан куч синашади.

Бу йилги турнирнинг сарҳадлари ҳам анча кенгайган. Жумладан, биринчи бора Тошкентдаги мусобақаларда қирғизистонлик теннисчилар иштирок этиши кутилмоқда.



Шундай қилиб, Тошкент яна профессионал теннисчиларға ўз бағрини очмоқда. Шунга ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Осиё чемпионатидан сўнг икки ҳафта ўтган, айнан шу ерда, «Тошкент теннис маркази» кортларида «Тошкент опен» аёллар турнириға start берилди. Демак биз хар сафаригдек пойтахтимиз меҳмонлариға «Хуш келибсиз!» деб қоламыз.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА.

Иқтисодий**ЙИЛИГА 200
МИНГ
НУСХАДА**

Маълумки, китоблар кўлдан-кўлга ўтиб ўқилгани боис тезда устки муқоваси varaқларидан ажралиб кетади. Айниқса китобнинг энг қизиқ жойига етиб келганда зарур varaқлари йўқ бўлса, ўқувчининг хуноб бўлиши тайин. Хўш, бунда ким айбдор?

«Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида ўқийдиган китобхонни ёки китобни сифатсиз ва арзон муқовада чоп этган босма-хона ходимларими? Албатта наشريёт ва босмахона ишлари ниҳоятда мураккаб жараён. Хозирда янги босмахоналар сони ортиб, рақобат кучайгани сари сифатга ҳам эътибор қаратилмоқда. Бектемир туманидаги «Арнапринт» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай кичик босмахоналардан саналади.

Асосан китоб ва журналлар чоп этаётган корхонада 30 нафардан зиёд ходим иш билан банд бўлиб, уларнинг барчаси Германиянинг замонавий технологиялари билан ишлаш жараёнини мукамал эгаллашган. Буюртмачи диди ва хоҳишига кўра турли хил қалинликдаги муқовали китоблар ҳамда рангли ва безакли журналларни босмадан чиқараётган корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати айтилганда бир неча баробарга ошган. Хозирда бу ерда йилига режага кўра 200 минг нусхадаги босма махсулотлар чоп этилмоқда. Корхона махсулотлари учун зарур хом ашё эса Россия ва Швеция давлатларидан келтирилади.

**СИФАТЛИ
МЕТАЛЛ
МАХСУЛОТЛАРИ**

«Sonita» хусусий корхонаси ишлаб чиқариш жараёнида Эрон билан ҳамкорликни кучайтириб бормоқда.

— Темирдан ясалган мебель махсулотларининг тури хозирда 20 дан ошиб кетди, — дейди жумладан корхона раҳбари Содиқ Жаъфаров. — Фирмаизининг мебель ишлаб чиқарувчи корхоналардан фарқи шундаки, бизда тайёрланаётган махсулотлар асосан металлдан ясалади.

Корхонанинг темир шкафлари, турли ҳажм ва шаклдаги сейфлари, галадон ва жавонлари учун асосий харидор банк ташкилотлари ҳамда турли корхона ва фирмалардир. Айни пайтда корхонага Эрондан металл қувурлардан ташқари айланма профилли, тўрт бурчак темир бўлақлари, махсус кодлаштирилган қулфлар ҳамда бўёқлар келтирилади.

Ўта мустаҳкам ва кўпга чидамли бундай махсулотлар ички бозоримизда ўзининг муносиб ўрнига эга. Албатта корхона ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан эндиликда ишлаб чиқариш турлари янада ошиши режалаштирилган.

Орзуғул РУСТАМОВА

Visa — дунёдаги энг йирик тўлов тизими. Visa карточкалари буйича йиллик айланма 2,7 триллион АҚШ доллари-ни ташкил этади.

Visa карточкалари дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатда қабул қилинади. Visa 21000 молия ташкилоти ва унинг карточкалари эгалари манфаатлари йўлида янги тўлов махсулотлари ва технологияларни жорий этишда асосий роль ўйнайди. Visa Интернет тўловлар борасида пешқадам ҳисобланади ва универсал тижоратнинг яратилиши рағбатлантиради. Чунки у ҳар қандай вақтда, ҳар қандай жойда турли алоқа воситалари ёрдамида тижорат билан шуғулланиш имконини беради.

«Ўзсанотқурилишбанк»нинг янги чип карталари Visa карталарининг Россиядаги ишлаб чиқарувчиси «Розанфинанс»дан сотиб олинди. Бугунги кунга келиб бу корхона Россия ва МДХ мамлакатлари банкларига 600 мингдан зиёд чип карталари етказиб берган. Улар турли иловаларни юклаш ва йўқотиш имконини беради. Бу эса банкка битта картада тўлов вази-

**VISA ЧИП КАРТАЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОНДА**

Умумхалқ байрами арафасида «Ўзсанотқурилишбанк» Ўзбекистонда биринчи бўлиб EMV стандартидаги ўз-дизайнига эга Visa Electron ва Visa Classic чип карталари эмиссиясини бошлади. Карталар ҳам миллий валютада, ҳам АҚШ долларларида чиқарилмоқда. Мазкур воқеа республика тўлов карталари бозори тараққиётида янги босқич ва унинг жаҳон иқтисодий ҳудудига интеграциясини бошлаб беради.

Фасидан ташқари лояли, бензин, ижтимоий каби турли қўшимча иловаларни жойлаштириш имкониятини яратди.

— Visa тўлов картасининг «электрон ҳамён» сифатидаги афзалликларини бутун дунёдаги 1,3 миллиарддан ортиқ карта эгалари муносиб баҳолашган. Энди Ўзбекистон фуқароларида ҳам бундай имконият пайдо бўлди. Visa карта-си ҳақиқатан ҳам молия ва хизматлар оламига виза саналади. «Ўзсанотқурилишбанк» томонидан чиқарилган тўлов карталари ёрдамида республика аҳолиси ҳам уйда, ҳам хорижда туриб нақд пул олиши, товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаши мумкин, — деди чип карталари чиқари-

лиши муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида «Ўзсанотқурилишбанк» бошқаруви раиси Қиёмиддин Рустамов.

Халқаро тўлов карталари чиқарилиши ва уларни қўллаш тизимининг ривожлантирилиши замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва пластик карточкалар ёрдамидаги тўловларни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати вазифаларига жавоб беради. Ўзбекистонда банк карточкалари бозори ривожлантирилиши чакана савдо тармоғида нақд пулсиз тўловларни кўпайтириш, нафақалар, стипендиялар, иш ҳақини банк-матлар тармоғи орқали тўлаш

механизмини яратишга хизмат қилади. Бу эса корхоналар харажатларини камайтириш, вақтни тежаш ва замонавий молиявий хизматлардан одамларни баҳраманд қилиш имконини беради.

«Ўзсанотқурилишбанк» 2002 йилда Visa аъзоси бўлган ва шундан бери ўз миқозлари учун янги ва замонавий хизмат турларини ишлаб чиқмоқда. Хозирги вақтда банк Visa чип карталари эмиссияси ва уларга хизмат кўрсатиш учун ўз процессинг маркази сертифицициясини яқунлади.

«Ўзсанотқурилишбанк» бой тарихга эга ва ҳақли равишда республиканинг энг йирик бешта банки қаторига қиради. У ҳам корпоратив, ҳам чакана хизматлар бозорида етакчилар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Унинг асосий вазифаларидан бери мамлакат иқтисодиётининг базавий тармоқларида хорижий сармомояни жалб этган ҳолда кенг тармоқли инвестиция фаолияти ва Ўзбекистон ижтимоий дастурларини амалга оширишидир.

**В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири**

Акмал Икромов туманидаги 236-ўрта мактабга Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ажратилган йирик маблағ эвазига ушбу ўқув масканида катта таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Таълим**ЎҚУВ ЙИЛИГА СОВҒА**

Гап шундаки, мактаб биноси анчагина таъмирга муҳтож бўлиб қолган эди. Шу тумандаги барча мактаб ўқитувчилари ҳам ёрдам сифатида мактабда ҳашар ўтказдилар. Бунда айниқса, 4-, 75-, 106-, 295-мактаблар жамоаларининг хиссаси катта бўлди. 236-мактабга янги парта-

лар, замонавий компьютерлар келтирилди. Спорт майдончасига чим ётқизилди. Физика ва кимё хоналарига янги ўқув анжомлари ўрнатилди. Эндиликда мактаб ўқувчиларни сентябрдан янги қиёфада ўз бағрига қорлади.

Нозимахон УСМОНОВА.**КОЛЛЕЖНИНГ
ЯНГИ ҚИЁФАСИ**

Янги ўқув йилида пойтахтимиздаги Республика тиббиёт коллежи биноси тубдан қайта таъмирланди, фойдаланишга топширилди.

Салкам уч минг нафар талаба таълим оладиган ушбу даргоҳда ҳамширалик иши, тиббий профилактика, фармация, лаборатория ташхиси каби йўналишларда мутахассислар тайёрланади. Бу ерда талабаларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилди. Жаҳон андозалари даражасидаги спорт мажмуи, талабалар сикатгоҳи, компьютер хоналари барпо этилди. Етоқхона, ўзгаришлар, мажлислар зали, аудиториялар, заҳира фонди қарий бирқашқ миң китобдан иборат кутубхона тўла таъмирланди ва жиҳозланди.

Машиий хизмат**ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР**

Олам яралибдики, инсон гўзалликка интилади. Хуснга хусн қўшиш, куш кайфият бағишлаш, аҳолининг оғирини енгил қилиш каби ишларда шахримиздаги машиий хизмат кўрсатиш соҳасининг тиниб-тинчимас, янгиликка интилувчан ҳамда энг замонавий технологиялар самарадорлигини тўғри англаган тадбиркорлари кўплаб топилади.

«Жасмин» гўзаллик салонига борганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Кўркам, замонавий, барча қулайликларга эга салонга кирар экансиз, кўплаб катта-кичик туваклардаги барқ гуллаётган турли-туман гулларни кўриб баҳри дилингиз очилди. Ходимларнинг очик чеҳралари, хушмуомалаликлари кўнглингиз кўтарилди.

— Утган йили иш бошлаган салонимизда 7 нафар малакали усталар меҳнат қилади, — дейди салон мудираси, олий тоифали даволовчи косметолог Камола Каримова. — Мижозларга ҳар хил хизмат турларини кўрсатишда улар сифатга алоҳида

эътибор қаратишади. Аёллар, эркаклар сартарошлари сизни энг замонавий соч турмаклари билан мамнун этишади.

Гўзаллик салонимизда хотин-қизларга косметология-даволаш услуларида — юз терисини даволаш, депиляция, пирсинг, татуаж, киприк чилиш каби малакали хизматлар ҳам кўрсатилади. Шуниси эътиборлики, бу ерда миқозлар учун талай қулайликлар яратилган. Қулай мебеллар қўйилган, телевизор ўрнатилган. Чой ёки кофе ичиб, журнал ва каталогларни томоша қилиб, дам олиш мумкин. Иш фаолиятимизни бошлаган даврдан ҳар бир миқоз ҳақидаги маълумотларни қайд дафтарида киритамиз, доимий миқозларимизга алоҳида эътибор берилади. Яъни, улар аввалдан буюртма беришлари мумкин ҳамда уларга чегирмалар қилинади.

Мижозларга хизмат кўрсатишда усталаримизнинг ўз услуби, малакаси қўл келмоқда. Шунингдек, салон «WELLA» ва «SCHWARZKOPF» машҳур хорижий косметик фирмалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Яъни, германиялик етук мутахассислар салонимиз ходимларини жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатишлари учун ўқитмоқдалар ҳамда мазкур фирманинг сифатли косметик махсулотларидан унумли фойдаланилмоқда.


Гўзаллик салонининг эркаклар устаси Алла Шин, аёллар усталари Зуҳра Сайбулатова ҳамда Флюра Гилмулдиноваларнинг малакали хизматлари туфайли доимий миқозлар сафи кенгайиб бормоқда.

Жорий йилда салонда миқозлар бурчаги ташкил этиш режалаштирилган. Бур-



чақда доимий миқозларнинг туғилган қулари муносабати билан суратлари осиб қўйилди ҳамда уларга истаклари инобатга олинган ҳолда бепул хизмат кўрсатилади.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА.
СУРАТЛАРДА: гўзаллик яратувчи усталар иш жараёнида.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Мағнавий

МОНОГРАФИЯГА МУКОФОТ

Бағдоддаги «Хикматлар уйи» илмий мактаби Шарқдаги биринчи академия сифатида шухрат қозонган эди. Бундан минг йил аввал ташкил топган маъмур қутлуг даргоҳни тадқиқ этиш йўлида самарали изланишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг бир гуруҳ етакчи олимлари тадқиқотлари натижасида йирик монография юзага келди. Урта Осиё илм-фани алло-маларининг IX-XII асрларда Бағдод илмий марказида олиб борган фаолиятлари бағишланган ушбу тадқиқот чоп этиш учун босмага тайёрланди. Ушбу нашр Тошкент Ислон университети билан ҳамкорликда рўёбга чиқди.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, маъмур монография «Имом ал-Бухорий авлодлари» деган нуфузли мукофот билан тақдирланди.

КЕНГ КАМРОВЛИ ЛУФАТ

Кейинги йилларда ўзбек тилини хорижий тиллар билан қиёсий ўрганишга оид қатор лугатлар юзага келди. «Янги ўзбекча-французча лугат» китоби ҳам ана шундай хайрли ишлардан бири бўлди.

Марказий Осиёни тадқиқ қилиш илмий изланиш институти томонидан тайёрланиб, босмага ҳозирланган маъмур лугат адабиёти тузилиши ва мундарижаси билан ҳам эътиборни ўзига тортади.

У икки ярим мингдан ортик сўз бойлигига эга. Хар икки тилни мукамал ўрганувчиларга яхши совға бўлган бу китоб француз институтининг раҳбари Реми Дор жанобларининг кириш сўзи билан бошланади. Унда айтилишича, лугатнинг ўзбек тилидаги қисмида сўзлар лотин ёзувиغا асосланган янги ўзбек алифбосида берилган. Шунга кўра китоб ҳам Парижда, ҳам Тошкентда чоп этилди.

Бу эса Ўзбекистонда янги алифбога ўтиш жараёнини тезлаштиришда ҳам муҳим маърифий аҳамият касб этади.

БИР ЙЎЛА УЧ ТИЛДА

Мамлакатимизда чоп этилаётган илмий-назарий журналлар яна биттага ортди. «Фалсафа ва ҳуқуқ» деб номланган бу янги нашр Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Республика Файласуф миллий жамияти муассислигида чиқа бошлади.

Унинг биринчи сонида берилган кириш сўзида таъкидланганидек, юртимиз заминиде минг йиллар давомида ўзига хос фалсафа ва ҳуқуқ юзага келди. Ана шу кўп асрлик мактаб аъёнасини давом эттиришда бу журнал ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан янги журнал ўз саҳифаларида ана шу масалаларни кенг ёритишга асосий эътиборни қаратади.

Янги журналнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилиши унинг халқро доирадаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Акбар АЛИЕВ

— Биз учун дунёда катта обрў-эътиборга эга компания билан ишлаш мамнуният бағишлайди, — таъкидлаб ўтади суҳбат чоғида Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов. — Биринчи қуларданоқ бизнинг муносабатларимиз амалий кечмоқда ва бу авваломбор пойтахтимиз ташқи қиёфасида ифодасини топганига гувоҳимиз — тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонлари барча қулайликларга эга «Мерседес» автобуслари хизматидан бажонидил фойдаланиб келмоқдалар. Бугунги кунда шаҳримиз автосаройларида уларнинг сони 400 тага етган. Лекин бу сўнгги нукта эмас.

Жорий йилнинг инвестиция дастурига Германиянинг яна 500 та «Мерседес» автобусларини келтириш киритилган. Айтиб ўтиш ўринлики, янги лойиҳа бизнинг йўловчилар хоҳиш-истакларига кўра, иқлимимизга мос равишда татбиқ этилади, яъни автобусларнинг ички қисми анча кенг ва ёруғ бўлиб, уларга модерлаштирилган Европа андозаларига тенг двигателлар ўрнатилади.

Эслатиб ўтамыз, «Даймлер Крайслер» концерни енгил ва юк ташувчи автомобиллар, автобуслар, махсус ҳаракатдаги техника воситаларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Унинг фаолияти доирасига шунингдек, авиатехника чиқариш ҳам кирилади. Концерн ишлаб чиқариш, сотиш, хизмат кўрсатиш бўйича турли давлатларда 40 дан кўп шўъба корхоналар, 38 та ваколатхоналар очган. Унинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси деярли ўн йилга яқин самарали фаолият юритишида концерн ижроия раисининг Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Клаус Мангольднинг хизмати каттадир. Тошкентга ташриф буюрган «Даймлер Крайслер» делегациясига айнан К.Мангольд бошчилик қилгани ҳам бежис эмас.

— Тошкент мен учун қадрдон ша-

ҳарга айланиб қолган десам мубо-лага бўлмайди. Хар сафар шаҳрингизга ташриф буюрганимда, у янада обод ва мафтункор бўлиб бораётгани сезаман. Ривожланиш тезкор, жадал суръатларда кечаётгани яққол кўзга ташланади, — дейди жаноб Клаус Мангольд. — Бизнес биз учун албатта муҳим, бу ўзаро муносабат-

лан таъминлашга имкониятимиз бор. Тошкент шаҳар ҳокими айтиб ўтганидек, бунга шаҳар электр тармоқлари ва сув ҳўжалиги тузилмаларининг эҳтиёжи бор экан. Қолаверса, минг бор эшитгандан бир мартаба кўрган афзал, деганларидек, фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонлик мутахассисларни, шу

жумладан ҳокимлик тузилмалари вакиллари Ганновер шаҳрида бўлиб ўтадиган халқро кўргазмага тақлиф қиламан. Кўргазмада бизнинг барча имкониятларимиз намойиш этилади.

Маълумки, шу йилнинг май ойида Тошкент шаҳар ҳокими бошчилигидаги делегация Берлинда бўлган ва ташриф чоғида «Даймлер Крайслер» концерни фаолияти билан яқиндан танишиб, келгусида Тош-

Ҳамкорлик қишталари

«ДАЙМЛЕР КРАЙСЛЕР» ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТАГИДА



Илгари хабар қилганимиздек, мамлакатимизда икки кунлик амалий ташриф билан «Мерседес-Бенц» русумли автомобилларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Даймлер Крайслер» компанияси вакилларида иборат делегация меҳмон бўлди. Турли даражадаги учрашувлар қаторида делегация аъзолари шунингдек Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов билан ҳам суҳбатда бўлишди. Томонлар сўнгги лойиҳалар доирасида олиб борилган ишларни сарҳисоб қилишди ҳамда ҳамкорлик истиқболлари ҳақида келишиб олишди.

ларимизнинг асосини ташкил этади. Шу билан бирга биринчи галда инсоний муносабатлар ҳам устунлик қилиб турсагина, ҳар бир ишда, шерикчиликда ҳам ижобий кўрсаткичларга эришиш осон кечади. Бизнинг ҳамкорлигимиз айнан инсоний муносабатларга таянган ҳолда мустақамланиб бормоқда. Шунингдек ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, ҳукумат томонидан шахсан Президент Ислон Каримов раҳнамолиги остида Тошкентга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани ташқаридан ҳам намоен бўлмоқда. Бу тушунарли, албатта. Тошкент — нафақат пойтахт, балки Марказий Осиё минтақасидаги тараққий топган марказ ҳамдир.

Галдаги ташрифимиздан мақсад алоқаларимизни янада кенгайтириш. Чунончи, режалаштирилган 500 та «Мерседес» русумли автобуслардан ташқари, мамлакатингизга спринтер — мегаполис шаҳарлар учун ўта қулай бўлган кичик ҳажмдаги автобусларни ҳам келтириш ниятидамыз. Бундан ташқари, шаҳар коммунал хўжалигининг моддий-техник негизини такомиллаштириш борасида махсус техника би-

кентда ўқув маркази ташкил этиш хўсусида ҳам келишувга эришилган. Клаус Мангольднинг таъкидлашига қараганда, ушбу масала ҳукумат даражасида кўриб чиқилган ва яқин кунларда амалий тус олиши арафасида экан.

— Қолаверса, бунга ҳеч қандай шубҳа ҳам бўлмаслиги лозим, — деди К.Мангольд, — чунки шаҳрингиз автосаройларида фаолият юритаётган компаниямиз сервис марказлари эришган ютуқлар бизда катта таассурот қолдириди. Бир миллион километрдан зиёд йўл босган «Мерседес» автобусларининг техник ҳолати Германиядаги каби аъло даражада сақлаб қолинган. Бу эса ўқори малакали мутахассисларингиз шарофатидир.

Учрашув давомида томонлар бир нечта янги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Шунингдек, мамлакатимизга келгуси йилнинг Наврўз айёми кунлари Германиянинг катта иқтисодий делегациясининг ташрифи режалаштирилаётгани юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Унда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, хўсусан, суд-ҳуқуқ соҳасида ислохотлар изчилик билан амалга оширилаётганини таъкидлади.

Хўсусан, бундан ўн йил бурун давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган маъмур Академияда ҳозир йигирма тўққиз кафедра фаолият кўрсатмоқда, икки ярим

мингта яқин тингловчи етти йўналиш бўйича таълим олмақда. Уларга беш академик, 33 фан доктори, 111 фан номзоди давлат таълими стандартлари асосида билим ва тарбия бериш билан шуғулланаётди.

Маъмур билим даргоҳи профессор-ўқитувчилари халқро андозаларга жавоб бера оладиган, замон руҳига мос дарслик ва қўлланмалар яратиш борасида ҳам жиддий изланишлар

олиб борапти. Ўтган ўн йил мобайнида 275 дарслик ва қўлланма, маърузалар курси, 259 ўқув-методик қўлланма, 42 монография ва бошқа ўқув-услубий материаллар яратилди.

Бугунги кунда Академияни муваффақиятли тамомлаб чиққан 6 мингта яқин олий юридик маълумотли мутахассис ички ишлар идораларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Беҳзод НОРБОВ,
ЎЗА мухбири

Халқро шартномалар нашрда

«Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномалари тўплами» Ақлия ва Ташқи ишлар вазирликлари томонидан нашрга тайёрланди.

Маъмур тўплам Ўзбекистон Республикаси давлат органлари, муассасалари ва фуқароларини мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида узлуксиз воқиф этиш мақсадини кўзлайди.

Халқро шартномалар тўпламида мамлакатимизнинг хорижий давлатлар ва халқро ташкилотлар билан имзолаган халқро шартнома ва битимлари мунтазам равишда нашр этиб борилади.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилган тўпламининг биринчи сониде битта кўп томонлама конвенция ва олтига икки томонлама халқро шартнома жамланган.

«Жаҳон» АА

— Хотима опа, маълумки кейинги пайтларда жамиятимизда аёллар қадр, макъа янада кўтарилди. Сиз бугунги ўзбек аёлга қандай баҳо берасиз?

— Ҳақиқатан мустақиллик шарофати билан ўзбек аёли эъзозда, фарзандлари ардоқда, оиласи давлат қадрланади. Аёли эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш Шарққа, хусусан ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Аёлини улуглаш — оилани, Ватанини, ҳаётни улуглаш демекдир. Чунки оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштирадиган, унга файзу барокат киритадиган, ҳонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзулик нури билан мунаввар қиладиган зот аслида маънавият билан оиланимиз, мунис опа-сингилларимиздир.

Жамиятимизда хотин-қизлар макъамини, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар манфаати, эҳтиёжи ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кўп қиррали маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий талабларини қондириш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш, оналик, аёллик ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳуқуқмандлиги томонидан катта эътибор қаратилади. Шунинг учун ҳам аёлга эҳтиром ва эъзоз ўз навбатида хотин-қизларимиз томонидан юксак қадрланмоқда. Бу эъзозга жавоб тариқасида хотин-қизларимиз қамбада ифтихор, гурур, мамнунийлик жўш уриб, жамият ҳаётида янада фаол, янада иқодий, янада шижоат билан қатнашмоқдалар.

Хар бир аёл эмин-эркин жамият фуқароси эканлигини ҳис этиб яшамоқда. Бугунги кун аёли ҳақида фахрланиб гапирчиш мумкин. Аёл-тадбиркор, жамоатчи, устоз, мураббий, раҳбар, меҳрибон она, сеvimли рафиқа, бека. У ўзининг ҳаётий макъам, юксак фуқаролик масъулияти, меҳр-оқибати, саховати, ақл-идроқи, зийраклиги, ҳаётимизда юз бераётган салмоқли ўзгаришларга дахлдорлиги билан ажралиб туради. Юксак ирода, тафаккур тарафлиги ва фидокорлик бугунги аёлларимиз кийфасини белгилайди. Шу билан бирга, улар эришилган муваффақиятлар билан ҳеч қачон хотиржамланиб қолмайдилар. Илганиш, янгиликка, яхшиликка интилиш аёлларга хос фазилатдир.

Таъриба шуни кўрсатадики, хотин-қизлар ўз ташкилотчилиги ва ижтимоий фаоллигини, ташаббускорлик, ишга талабчанлик ва масъулиятлик муносабатлари билан эркаклардан қолишмайдилар. Аллома Ризоуддин Ибн Фахриддин айтганидек: «Хотинлари тарбияли бўлган халқ тарбияли, хотинлари тарбиясиз бўлган халқ тарбиясиз. Аёллари тиришқок, тадбиркор, иродали бўлган халқ бой бўлади. Инсонлар ҳар вақт аёллар истагани каби бўлажақлар, агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, аёлларга буюклик ва фазилатлар ўргатингиз!»

Бизнинг мустақил юртимизда хотин-қизлар учун барча зарурий имконият, имтиёзлар яратилган. Ал-

лома айтган буюклик ва яхшиликлар аввало хотин-қизларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга, ҳаётнинг кенг жаҳаларига жалб этиш давлат сиёсати, фаоллик вазибалардан бири бўлмоқда.

— Дарҳақиқат, мустақиллик туғайли хотин-қизларимизга жуда кўп имкониятлар яратилган экан, улар ўз ҳақ-ҳуқуқ ва имкониятларидан қандай фойдаланяптилар? Бир сўз билан айтганда бугунги кунда хотин-қизларимиз жамият раванқига қандай ҳисса қўшаптилар?

— Аёлларимиз ўзларининг эркин фикрлаш, кенг қармоғда қобилият, истеъдодини намойён қилиш имкониятига эришдилар. Ушбу эркинликни ва аёлларимизнинг фаоллигини жамиятимизнинг ҳамма жаҳалларида кўришишимиз мумкин. Энг аввало улар оналик бурчи ва масъу-

Мусохаба ҲАР СОҲАДА АЁЛЛАРИМИЗ ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди. Бунинг учун ҳуқуқмандлиги томонидан зарур шароитлар яратилмоқда. Мустақил дёбимизда аёл, она ҳар доим эъзоз ва эътиборга эришди. Бизнинг фалсафа фанлари доктори, профессор, шахар олим аёллар уюшмаси раиси Хотима Шайхова билан суҳбатимиз ҳам айнан Истиқлол ва аёл, жамиятимизда аёллар қадр хусусида бўлди.

Умр ҳар бир инсонга бир марта берилади. Аллоҳ таоло инъом этадиган умрни қандай яшаш ўтиш инсоннинг ўз қўлида. Баъзилар умрни шунчаки ўтказишади. Баъзилар эса уни сермазун, жамиятга фойда келтириб, эзгуликка интилиб, инсонларга яхшилик ато этиб, шоир айтганидай «Умр дафтарини безайди».

Ҳамшаҳарларимиз УМР МАЗМУНИ

Бугунги ҳикоямиз қаҳрамони Шарофатхон Ортиқова ҳам ўзи босиб ўтган йўлни сарҳисоб қилар экан, кўнглида бир қониқиш ҳосил қилди. Умр зое кетмабди...

Йиллар ва йўллар... Йўллар ва йиллар... Ана шу ўтган йилларда, босиб ўтилган йўлларда унга бирдан-бир шир ҳамро бўлди: инсонларга яхшилик қилиш, ёрдамга муҳтожларга кўмак бериш, кишиларнинг мушкулларини осон этиш.

1963 йилда 19 ёшида меҳнат фаолиятини бошлагани Шарофатхоннинг ҳали-ҳали эсида. Кейин Тошкент политехникумида ўқинди. 1966 йили техникумни тугатгач пойтахтимиздаги 111-ўрта мактабда меҳнат дарсларини олиб борди. Бир томонда ўқитувчилик, иккинчи томонда оила, бирин-кетин туғилган фарзандлар, қайнона-қайнона дегандек. Аммо Шарофатхон чарчамади, ўз олдига қўйган мақсад, келажак сари интилди. «Интиланга толе ёр» дейди, халқимиз. Унинг интилишларини умр йўлдоши, маслаҳатгўйи Убайдулла ака доимо қўллаб-қувватлади. Ойлада ўрнатилган илм муҳит унинг ишларида яхши кўмакчи бўлди.

1968 йили Шарофатхонни ўқув комбинатида ишлаб чиқариш устаси лавозимига ишга тақлиф этишди. У энди ўздан қарийб ўн-ўн беш ёш катта бўлган кишиларга хунар ўргата бошлади. Ишлаш билан бирга Низомий номдаги педагогика институтини (ҳозирги Тошкент Давлат педагогика университетиди) сирдан таълим олди ва 1971 йили уни муваффақиятли тугатди.

Ешлигида рўзгор ишларига қўли келиб юрганлиги, бишиш-тикиши мукамил эгаллаб олгани ва техникумда устозлардан олган сабоқлари қўл келди шунда. Бир муассасада узлуксиз ўттиз беш йил меҳнат қилишнинг ўзи бўлмас керак. Шу йиллар мобайнида хизмат вазифаларида ҳам ўзгаришлар



Умр ҳар бир инсонга бир марта берилади. Аллоҳ таоло инъом этадиган умрни қандай яшаш ўтиш инсоннинг ўз қўлида.

бўлди. У шахар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасига қарашли хунар-техника билим юртида ишлаб чиқариш устасидан мазкур ўқув даргоҳининг раҳбари вазилисига ҳам бўлган машаққатли, аммо шарафли йўлни босиб ўтди. Шарофатхон шу йилларда ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кам даромадли оилалар ва ота-онасиз ногиронларнинг фарзандларига таълим бериш, хунар ўргатиш билан машғул бўлди.

Ночор ва ногирон, бева-бечораларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр-муруват кўрсатишдек халқимизнинг қони-жонига сингиб кетган қадриятларимиз ҳамда аъналаримизни давом эттирдикан, Шарофат Ортиқова ҳар бир ўқувчи-талабанин кўнглига қарашга, уларнинг оилавий муҳити ва шароитини пухта ва изчил ўрганиб боришга тинмай ҳаракат қилди. Натижада ногирон талабалар ва билим юрти раҳбари ўртасида меҳр-муруват деб аталмиш кўприк пайдо бўлди. Бу кўприк талабанин ҳам, раҳбарнинг ҳам кўнгли томон йўл солди.

Шарофатхон билим юртига раҳбар этиб тайинланганида бор йўғи юз нафардан сал ортиқроқ талабалар хунар сирларини ўрганишган бўлса, унинг раҳбарлиги давомида талабалар сони уч юз нафарга акциялашди. Шу билан бир қаторда хунар-техника билим юртидаги таълим йўналишларининг тури ҳам кўпайиб, еттигача ортди.

Гал шундаки, бу ердаги талабаларнинг ақсариятини тақдир кўп мушкулотларга дучор этган, уларнинг кўнгли ярим эди. Аммо ҳаёт қанчалек машаққатлар-у мушкулотларга бой бўлмасин, у доимо яхши ва меҳр-оқибатли, саховатли инсонлар билан янада кадрликларидир. Шарофатхон Ортиқова эса ана шундай инсонлар тоифасига кириди ва бундан унинг ўзи ажиб бир туйғу

Аёл борки, олам мунаввар ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛАДАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси



Юлдуз УСМОН СУРАТДА: курс раҳбари Н.Мухсимова ўқувчилари даврасида. Алексей Попов олган суратлар.

Халқимизда «Ешлиқда билгани — тошга ёзгани», дейди нақл бор. Инсон ёшлиқдан илмга, хунарга интилса, келажак турмуши, рўзғори бут бўлгани демакдир. Бир йилгити қирқ хунар оз дейишади. Бу мақол қизларимизга ҳам қисман тегишли. Зеро, хунарнинг қўли гулдир.

Шаҳримиздаги «Ибратли келин» ўқув маркази қизлари ўндан ортиқ йўналишлар буйича билимга, хунарга ўргатиб келмоқда. Яқинда, мазкур ўқув масканида тахсил олувчи қизлар ўртасида ҳисобот имтиҳони бўлиб ўтди. Қандолатчилик махсулотларини тайёрлаш курсини тугатган 8 нафар тиришқок қизлар ўртасида ўтказилган мазкур тадбирда улар ўрганган пазандачилик махсулотларини намойиш этдилар.

«Ширичилик имтиҳони» деб номланган мазкур тадбирда саккиз хил қандолатчилик махсулотларини тайёрлаш сирларини пазанда қизларнинг амалий тарзда кўрсатдилар. Жумладан, уй бекаларимиз томонидан ҳамшира юкори баҳоланадиган — «Оқушлар қўли» ҳамда «Сникерс», «Эртак» торларининг тайёрлаши усулларини айтиб ўтишди.

— Ўқув курсида таълим олган барча қизларимиз ҳисобот имтиҳонларини муваффақиятли топиришди, — дейди биз билан суҳбатда курс раҳбари Нигора Мухсимова. — Айнан мазкур ўқув юртида тайёрланган пишириқлар, турли хил таомлар ҳаммага маъқул туша-

ди. Олдин тиббий кўриқдан ўтказиб тўрсидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан ФХДЭ бўлимлари, никоҳ уйлари ходимлари ёшларни лажак авлодин асраш, шунингдек, мустақил ҳаётга қадим қўйётган ёш оилаларнинг соғлом турмуш кечиртишларини таъминлашдир, дейди

Юлдуз УСМОН СУРАТДА: курс раҳбари Н.Мухсимова ўқувчилари даврасида. Алексей Попов олган суратлар.

бўжак ва бошқа турли хил касалликларга, 6 нафариди эса ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар аниқланган. Яъни, 2 та тиббад, 1 та рухий, 1 та сил, 2 та тери-таносил касаллигига чалинганлар маълум бўлди. Биз ФХДЭ бўлимлари ходимлари билан ҳамкорликда ёш келин-куёвларга тиббий кўриқнинг аҳамиятини тушунириб келмоқдамиз. Энг ачинарлиси бугунги кунда ёш оилаларнинг барбод бўлишига, ажралишларга асосий сабаб баъзиларнинг гиёвандликка, спиртли ичимликка ружу қўйганликлари, ёки тери-таносил касаллигига чалингани сабаб бўлмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, бугунги кунда баъзи ота-оналар фарзандларининг тиббий кўриқдан ўтишларига ўзлари қизиқиб биргаликда келишмоқда. Негаки фарзандларининг соғлом турмуш кечиртишлари, келгусида соғлом авлодин тарбиялашлари учун тиббий кўриқдан ўтиш шайхотда аҳамиятли эканлигини тушуниб етмоқдалар.

Дарҳақиқат, соғлом оилада соғлом авлод камолга етди. Соғлом авлод эса бизнинг келажакимиздир. Гўлнора ШОКИРОВА

ҳурмат уларнинг фаолиятида ўз ифодасини топомоқда.

— Сизнингча хотин-қизлар билан ишлашнинг янги босқичга кўтариш учун биринчи галда нималарга эътибор бериш керак?

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ушбу саволга тўлиқ жавоб бўлади. Яъни, ҳозирги давргача қилинган ишлар кўлами жуда кенг, салоҳиятга бой. Аммо ислохотлар ва янгиликлар бугунги кунда қилинган ишларга танқидий назар билан қараб, давр талабидан келиб чиқиб, хотин-қизлар билан ишлаш масалаларини янги босқичга кўтариш заруратини юзага келтирмоқда. Юртбошимиз камчиликларни аниқ ва равшан кўрсатиш билан бирга, бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ҳам белгилаб берди.

Шулардан энг муҳими, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, ижтимоий ҳаётда макъамини ошириш, оналик ва болалик, аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш муаммоларига давлат эмас, балки жамоат қўллаб-қувватлаш сифатида ёндоқиш, қўйи ташкилотлар билан алоқани муостаҳкамлаш, айнакча, оддий аёлларга эътиборни четда қолдирмаслик, тадбиркорлик, ишбилармонлик, нотижорат ташкилотларнинг аёллар томонидан ташкил қилинишига қўмаклашиш. Шу-

нингдек, аёлларнинг ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш, уларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Яна энг муҳим вазифамиз шундан иборатки, ҳозирда фуқаролик жамиятини барпо қилишда, Фуқаролик жамиятининг бир қаноти маҳалла бўлса, иккинчи қаноти хотин-қизлар ташкилоти бўлиши керак. Чунки хотин-қизлар жамиятимизнинг яримдан қўпроқ қисмини ташкил қилади. Юртбошимиз яна бир нарсга алоҳида урга бердилар. У ҳам бўлса маҳалларда маҳалла вазилининг жорий қилиши.

Бундан мақсад, ёшларимизга ҳар томонлама мукамил тарбия бериш, қадриятларимизни улар онгига синдириш, ёшларнинг жисмоний ривожланишига алоҳида эътибор бериш, ёшларни турмушга тайёрлаш каби масалалар энг долзарб вазифалар деб белгиланган.

Ҳозирги кунда барча хотин-қизлар ташкилотлари Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида ўз ҳаракат дастурларини қабул қилишган ва шунга мувофиқ иш олиб бормоқдалар. Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик берган имкониятлар, ҳамхўрлик ва эъзозга аёлларимиз онгли равишда ёндоқиб фаоллик ва фидойилик билан ўз олдиларига қўйган вазифаларни адо этишга киришганлар.

— Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур. Дилнора ИКРОМОВА суҳбатчи.

МАҲАЛЛАНИНГ ЖОНКУЯРИ

Яхшиям аёл бор - меҳри асрайди, Дунёни эзгу бир сеҳри асрайди. Вафо, ҳаё деган наҳри асрайди, Оламини мунаввар этади Аёл... Дарҳақиқат Аёл — гўзаллик, меҳр, садоқат, назокат тимсолдир. Жамиятдаги поклик, ҳалоллик, адолат муҳитини оқила ва доно, жафокаш, меҳнатсевар аёлларимиз сақлаб турадилар. Бугунги кунда аёлларимиз нафақат оилада, балки жамиятда катта қуч экайликларини намойён этмоқдалар.

Айниқса ўзини-ўзи бошқариш органи бўлган маҳалларда деб топилиб, шижоати, ишбилармонлиги, жонкуярлиги, муомаласи билан маҳалланин тинч-тотувлиги, фаровонлигини таъминлашда ҳар бир оилага до-қош бўлаётган заҳматқаш аёлларимиз кўплаб учрайди. Чилонзор туманидаги «Тинчлик» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Фарида Жалилова ҳам рана етти йилдирки, маҳалланин жонкуяри, барча тадбирларга бош-қош. Маҳалладаги кам таъминланган оилаларга, ёрдамга муҳтожларга алоҳида эътибор қаратиш, нотинч оилаларни муроасага келтириш, ишсизларни иш билан таъминлаш, тўй ва бошқа маросимларни меъёрида, ортиқча исрофгарчиликсиз ўтказиш каби ишларга камарбаста бўлиб келётган Фарида онани маҳалла ахли жуда ҳурмат қилади. Ундан маҳалла сураб келувчиларнинг кети узилмайди. Маҳалладошларининг барча муаммоларини қўни-юниб тинглаб, эҳтиш билан ҳал этишга киришади. Шунинг учун ҳам «Тинчлик» меҳр-оқибатли, тинч-тотув маҳалларда сирасига кириди. Фарида Жалилова Мустақилликнинг 13 йиллик байрами арафасида «Энг наму-

лар комиссиясининг раиси Фарида Жалилова. — Ушбу Фармон аёлларимиз қалбида яна ҳам шижоат, фаоллик, фидойилик фазилатларини ёлқинлатирди. Маълумки, Фармонда хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раислари олдига улкан ва масъулиятли вазифаларни бажариш юклатилган. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида маҳалламизда ишчи гуруҳи тузилиб, иш режаларимизни тасдиқлаб олди. Ишчи гуруҳининг мақсади маҳалладаги ҳар бир оилага «чучур кириб бориш, ҳар бир аёлнинг муаммоларини ўрганиб, ҳал қилишдан иборат. Шунингдек, оилалар тинчлиги, ёшлар тарбияси алоҳида диққат марказимиздир. Яна шуни қайд этишимиз керак, маҳалла гузариди қизларнинг хунар ўрганишлари учун пазандачилик курсини ташкил этдик. Эндликда эса тикувчилик курси очилди. Шунингдек, Мустақилликнинг қўни арафасида кам таъминланган, бемор кексалардан 42 нафарига байрам совғаларини уйларида бериб топширдик.

Ха, қалбида меҳр, саховат, эзгулик фазилатлари янада жўш урган Фарида Жалилова сингари матонатли, жонкуяр, фаол аёлларимиз доимо элимиз эъзозидида эканликларини фахрланиб гапирчи мумкин.

Гулнора ХАМИДОВА СУРАТДА: Фарида Жалилова (ўртада) маҳалла фаоллари билан.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

жонкуярлик билан елиб-югуриб юрган онани матонатли қалб соҳиб деб аташа арзийди. — Юртбошимизнинг хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги Фармонлари кўплаб қатори маҳалламиз хотин-қизларини ҳам ниҳоятда қувонтирди. — дейди «Тинчлик» маҳалласи хотин-қиз-

Тўғалмиш сирлари

ДОИМО МАФТУНКОР БЎЛИНГ!

Киз-жувонларимиз гўзаллик тимсоли. Улар доимо ҳаё-ибо, нафосат, латофат, саранжом-сарифшавилари билан оилаларини, жамиятимизни нурафшон қиладилар. Доно, тадбиркор, лобар аёлларимиз бугун ҳар бир жаҳада эркаклардан ҳечам қолишмаётти. Қўйида лобар аёлларимиз жазирма қўнларда қўёш нуруларидан наздик юз териларини муҳофаза қилишлари учун мутахассис-даволовчи косметолог маслаҳатларини тасвия этамиз.

• Янги узилган ўртача катталиқдаги бодринг киргизиб ўтказилди ҳамда унинг 50 грамм шарбати олиниб, унга 1 ош қошиқда «Геркулес» бўтқасидан соласиз-да, яхшилаб аралаштирасиз. Тайёр бўлган бўтқасидан массани аввалдан тозаланган юз терисига сурасиз. Мазкур ниқобни 20 дақиқа давомида ушлаб, сўнгра илиқ сувда ювасиз. У сизни офтоб нуридан сақлабгина қолмай, балки терингизнинг оқариб, майинлашишига қўмаклашади. Сизнинг ўзи терингиз тиниклашиб, янада кўркам бўласиз.

• Бу ниқобни куруқ юз терили қиз-жувонларга тасвия этамиз. 1 ош қошиқда уй шароитида тайёрланган сузмага 1 та тухум саргинини солиб, Камола КАРИМОВА

Шарқ дурдоналари

03-03 УЎТГАНИЙ
Домо бўлур...

• Эй одам, бировларга лутф-эхсон кўрсатишнинг фойдаси ва ўзгаларга чоҳ қазувчининг ўзи шу чоҳга йқилиши ҳақида эшит.

Байт:

Кулфат келмасин,
деб хоҳласанг бошга,
Лутфу эҳсон кўрсат
кекса-ю ёшга!

Хикоят қилишларича, Му-башшир номли гулом шундай нақл қилган:

— Менинг хожама бир куни ёзган хатини Муиз ад-Давлага етказишимни сўради. У саройга етиб, ёнига ўтирган ҳам эдики бир киши кириб келди ва Муиз ад-Давлага деди:

— Агар менга фалонча миқдорда маблағ берсанг, Носир ад-Давлани ўлдириб келаман!

У мазкур таклифни қабул қилди, орада аҳди-паймон қилинди.

Мазкур киши узоқ вақт Носир ад-Давла саройи атрофида кезиб юрди, кўпгина харажатлар қилди. Ниҳоят Носир ад-Давланинг сарой ходимларидан бири билан танишишга муваффақ бўлди. Ходим билан бирга Носир ад-Давланинг иморат ва қасрлари орасида сайр қилди. У зимдан Носир ад-Давланинг тунайдиган жойи ва унга қириладиган йўлларни билиб олди. У қоронги тунларнинг бирида Носир ад-Давла ётадиган уйнинг яқин жойига яшириниб олди. Носир ад-Давланинг бир хизматкори бўлиб, у доимо ўз хожасининг боши томонида ётар эди.

Тун яримлаб қолганда қаср тагидан бир дарвешнинг: «Эй, бедор киши борми, ночорликдан ярим кечада уйдан чиқдим, бола-чакам оч, икки кундан бери овқат ейишгани йўқ!» - деган овози эшитилиб қолди. Носир ад-Давла бу сўзларни эшитиб, юраги титраб кетди, иргиб ўрнидан турди, ҳеч кимни уйғотмай, болиши остидаги бир неча дирхамни олиб томга чиқди ва дарвешга:

— Эй дарвеш, этагингни оч! — деди.

— Уст-бошим йўқ! — деб жавоб қилди дарвеш.

Носир ад-Давла дарҳол устини ечди, пулни унга ўраб, дарвешга ташлади. Дарвеш унга: «Умринг узоқ бўлсин, бараканг ошин!» - деганича дуо қилиб кетди.

Носир ад-Давла турганида уни ўлдириш қасдида юрган киши фурсатни ганимат билиб уйга кирди ва ухлаб ётган ходимни Носир ад-Давла деб гумон қилиб, бошини танидан жудо қилди. Носир ад-Давла томдан астагина тушиб уйга киргач ходимни ўлик ҳолда кўрди.

Қотил эса дарҳол Муиз ад-Давла олдига етиб борди ва айтилган одамнинг ўлдирилганини билдирди. Аммо, бир неча кун ўтгач, унинг тирик эканлиги ҳақида хабар тарқалди. Муиз ад-Давла қотилни топдириб, дорга осишга фармон берди. Бу воқеадан хабар топган Носир ад-Давла ўзининг ўлимдан қолгани дарвешга яхшилик қилиш учун чиққанидан эканлигини англади.

Бугун Эски шаҳарда бажарилган бунёдкорлик ишлари ва амалда оширилаётган ободончилик юмушлари мислсиз бўлиб, уларнинг барчаси аҳолига қулайликлар яратиш, ёшларга яхши билим олиш имкониятларини тугдириш, бўш вақтларини кўнглили ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш, яшовчилар саломатлигини ҳимоя қилиш, қўшимча иш ўринлари яратиш, савло ва коммунал хизмат сифатини ошириш, маърифат ва маънавиятларини юксалтиришга қаратилган.

Бундай кенг қўламли ишларни уддалашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бу мутасаддилардан тортиб бунёдкорларгача, лойиҳачидан тортиб маҳалла фаолигача, қўйинги барча-барчадан ўзига хос гайрат-шижоат талаб этди. Ўз олдиларига аниқ вазифаларни қўйган бунёдкорлар кези келганда туну кун ишлади. Натижа эса кутилганидек самара берди. Мустақиллик шодиёнаси арафасида Эски шаҳарда, шу жумладан Собир Раҳимов тумани ҳудудида янада кўркамлик, янада ўқтамлик, салобат ва маҳобат ҳукмрон бўлди.

— Мустақиллик йилларининг илк даврлариданоқ ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз Тошкентнинг юраги саналган Эски шаҳарга алоҳида эътибор қаратади, — дейди туман ҳокими Бахтиёр Ҳақимов. — Ўша эътибор боис қад ростлаган иншоотлар, кенг ва раван кўчалар муаззам шаҳримизга алоҳида кўрк бўлиши баробарида ҳудудда

яшовчи аҳоли учун катта қулайлик яратди. Бугунги кунда эса ҳукуматимизнинг эски шаҳарликларга яна бир гамхўрлиги амалда намоён бўлмоқда. Эски шаҳар Мустақиллигимизнинг 13 йилли-

камраб олган қисмида куриб битказилган иншоотлар аҳолига ҳақиқий байрам тўхфаси бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш уринлики, туманда Энг улуг, Энг азиз байрам кунла-

Эски шаҳар ёшаради

КЎРИБ КЎЗЛАР
ҚУВНАМОҚДА

Бу йилги Мустақиллик байрами пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудудида яшовчи ҳамшаҳарларимиз учун кўшалоқ байрам, катта шодиёна бўлди, десак асло хато қилмаймиз. Негаки, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг галдаги гамхўрлиги, юксак эътибори туфайли жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида Эски шаҳар нафақат яшнади, балки ёшарди, ободонлашди, қайта қурилди.

гини янада яшнаган, ободонлашган, ёшарган ҳолда қарши олдики, бу ҳар бир туман фуқаросини гурурлантириши табиий. Шу билан бирга 21 та маҳалла чирой очмоқда. «Ачаобод» маҳалласида қисқа фурсатларда қад ростлаган 300 дан зиёд тоқтин-қизларни иш билан ташминлайдиган улкан «Сағбон-текстиль» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси, замонавий оилавий поликлиника, «Салоҳиятлик ёшларни интеллектуал ривожлантириш маркази», кўркам маҳалла гузари, Форибий кўчасидаги оилавий шифохона, 60-болалар боғчаси, «Эски шаҳар» маҳалласи гузари ва бошқа жуда кўплаб объектлар шодиёна кунларида фойдаланишга топширилди. Туманда нафақат бунёдкорлик, балки ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам қизғин олиб борилди. Қисқа фурсат ичида туманда, ҳусусан унинг Эски шаҳарни

рида 3 та болалар боғчаси, 4 та стадион, 12 та маҳалла гузари, 2 та чойхона, 3 та оилавий поликлиника, 5 та маросимлар ва маънавият-маърифат масканлари, 57 та спорт майдончалари фойдаланувчилар ихтиёрига топширилгани ниҳоятда кенг қўламли ишлар, гайрат-шижоат натижасидир. Бу борда мамлакатимизда қурилиш амалга оширишда фаол қатнашаётган, айнқица, сўнги ойлари мобайнида ўзгача маънавият билан меҳнат қилган «12-трест», «159-трест», «Сифат қурилиш» акционерлик жамиятлари, «Бинокор» қурилиш лойиҳа компанияси ва бошқа кўплаб қурилиш ташкилот ҳамда фирмалари бунёдкорларига ҳар қанча таҳсинлар айтса арзийди.

Эски шаҳарни кезиб, туман ҳудудини айланар экансиз, аҳолининг кўтаринки кайфияти, ҳукуматимиз гамхўрлик ва эътиборидан, яра-

тилган қатор қулайликлардан мамнунлигини юзқўзларидан сезасиз, беихтиёр уларнинг қувончларига шерик бўлгингиз келди.

— Маҳалламиз байрам кунлари ўзгача қиёфа касб этдики, ҳар бир маҳалладошимизнинг қалбига қувонч кирди, — дейди «Ачаобод» маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Ҳикматов. — Маҳаллада қурилган замонавий гузар барча қулайликларга эгаллиги билан ажралиб туради. Бу барчамизга байрам кайфияти улашиб, маҳаллани янада яшатиш, обод этишда фаол иштирок этишга, уни ёмон ниятли кимсалардан асрашга ундамоқда.

Зарқайнар кўчасида фойдаланишга топширилган икки қаватли, 80 ўринли болалар боғчасида эса кичкинтойларнинг бугунги кун талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари учун ҳамма шароитлар мавжуд.

— Бундай гамхўрликдан болажонларимизнинг ота-оналари беҳад мамнун, — дейди боғча мудири Хумора Асқарова. — Негаки, болалар — келажгимиз, уларнинг тарбиясига мурғаклигидан эътибор қаратишимиз, барча шароитларни яратишимиз зарур. Янги қурилган боғчамиз эса барча талабларга тўла жавоб беради. Бу йилги Мустақиллик биз учун кўшалоқ байрам бўлди.

Хуллас, Эски шаҳарда байрам шукуҳи ҳукмрон. Ушбу ҳудудда яшовчи ҳамшаҳарларимиз дилига эзгу ниятларни солган. Бу эзгу ниятлар эса Истиқлол, уни мустақкамлаш йўлидаги ҳаракат туфайли ҳақиқатга айланиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА

Ўзбекистон Хотин-қизлари кўмитаси 2005-2007-йилларга мўлжалланган ҳудудий дастурни ишлаб чиқишга киришди. Мазкур дастур аёлларни иш билан таъминлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни кўзда тутди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА
БАНДЛИК

Кўмита асосан, ҳар йили барча минтақаларда аёлларнинг меҳнатга бўлган эҳтиёжларини таъминлайдиган янги иш ўринларини ташкил этишга алоҳида уруғ бермоқда. Мақсадга кичик бизнес ва хизмат соҳаларини ривожлантириб, шунингдек, уй меҳнатини ташкил этиб эришиш мумкин. Дастурга кўра, республикада жами 170 мингта иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг бир қисми қишлоқ жойлардаги аёллар бандлиги тузилмасини янгилаш эвазига шакллантирилади.

Маълумки, ҳукуматимиз тегишли вазирлик, идора ва тижорат банклари зиммасига аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашишни юклади. Таъкидлаш керакки, аёллар меҳнати кўпроқ талаб қилинади-

ган, аёллар раҳбарлик қилаётган кичик корхоналарга имтиёзди кредитлар бериш мўлжалланмоқда. Иш билан бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан оилавий тадбиркорликка, хусусан, соғин сигирлар ҳамда уларнинг сутини қайта ишлаш ускуналарини сотиб олиш учун 3 миллиард сўм бериш кўзда тутилмоқда. Минг нафар ишсиз аёлларни ўқитиш учун «Тадбиркорлик фаолиятини юритиш. Ўз бизнесингни бошла» дастури асосида курслар очилмоқда.

Шунингдек, дастур бандлик соҳасида аёлларнинг ҳуқуқ ва ҳафлатларини ҳимоялашга қаратилган чораларни ишлаб чиқишни кўзда тутди. Шу мақсадда меҳнат ва ижтимоий муҳофаза идораларида «қайноқ линия» телефонлари ишлаб бошлайди.

ЯНГИ НАШР
ЧОП ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда матбуот нашрлари сони яна биттага кўпайди. Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси, пойтахт адвокатлар ҳайъати «Аргумент АНН» адвокатлар фирмаси ҳамда «Адвокат» журнали таҳририяти муассислигида «Адвокат-пресс» газетасининг нишона сони нашрдан чиқди.

«Эркин ва мустақил матбуот адолат ва тараққиёт тарови» шиори остида чоп этилаётган «Адвокат-пресс» газетаси жамоасининг асосий мақсади фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шу билан боғлиқ равишда жамиятда адвокатура институтини мавқеини оширишга қаратилган. Газета оммабоп ҳафталик нашр бўлиб, унда ҳуқуқий мавзудаги «Прокорор жазоланди», «Муштумзўр миршаблар» каби таҳлилий мақолалар муштарийлар ҳуқинга ҳавола этилган. Ижтимоий-ҳуқуқий йўналишда нашр этилган газетда, шунингдек, фуқароларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда адвокат маслаҳатлари ҳам берилган.

Эндиликда фуқаролар ўзларини қизиқтирган масалалар буйича газетга мактуб йўллаб ёки телефон орқали савол бериб, уларнинг маслаҳатларини олишлари мумкин. Газета уч минг нусхада чоп этилмоқда.

«Туркестон-пресс»

Биласизми?**НЕФТ
БОЗОРИДАГИ
БЕҚАРОРЛИК**

Жаҳон нефт бозори ҳамон танг аҳволда. Яқинда Ироқ шимолидан ўтувчи Киркук-Жайхун қувири жангирилари томонидан портлатиб юборилган эди. Бу жаҳон бозоридаги нарх-навога ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. «Қора олтин»нинг баҳоси яна кескин ошиб кетди.

Ўтган ҳафта ОПЕК президенти Пурномо Юсганторо 2004 йилнинг охиригача ташкилот кунлик нефт қазиб чиқариш ҳажмини бир миллион баррелга кўпайтиришни режалаштирилаётганини маълум қилди.

Ташкилот мутахассислари шу йўл билан «қора олтин» нархини жиловлаш ниятида.

ОПЕК аъзолари, Ироқдаги қувурларнинг портлатилиши ушбу мамлакатдан жаҳон бозорига чиқарилаётган нефт ҳажмининг кескин камайишига олиб келмайди, деган умидда. Ҳозир ОПЕКка аъзо мамлакатлар қазиб чиқараётган нефт нархи секин-аста бўлса-да, пасаймоқда.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, АҚШ энергетика вазирлиги мамлакатдаги стратегик нефт захираси 4 миллион баррелга қисқарганини эълон қилган. Бунга ҳам нефт нархининг беқарорлиги сабаб бўлган.

Аслида мутахассислар АҚШ иқтисодиёти секин-аста жонланиши ва «қора олтин»га талаб кескин ошиши сабаб нефт нархи янада кўтарилиши ва узоқ вақт давомида юқори даражада сақланиб туришини анчадан буён тахмин қилиб келаётган эди. Уларнинг башорати тўғри чиқаётганга ўхшайди. Ўтган чоршанба кuni Нью-Йорк биржасида бир баррел нефт 43,90 АҚШ долларига сотилган. Бу дўшанба кунги савдодагидан 1,78 доллар қимматдир.

Жасур КЕНГБОВ
(ЎЗА)

«Универсиада-2004»**ТАЛАБАЛАР МЕДАЛЛАР
УЧУН КУРАШМОҚДА**

«Универсиада-2004» спорт мусобақаларида иштирок этаётган уч мингга яқин талаба совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

Универсиаданинг иккинчи кuni белбоғ кураши бўйича совринли ўринларни эгаллаган спортчилар аниқланди. Ўз вази тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган сурхондарёлик Абдуҳамид Мирзаев, Наманган вилояти жамоасида Жаҳонгир Абдуллаев, Рустам Умаров, сирдарёлик Илхосбек Қўйчиев, андижонлик Муҳиддин Ашуров, Зоҳид Жумакулов, мезбонлар вакили Оятулло Ҳақимов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти терма жамоаси биринчи поғонани банд этган бўлса, кейинги ўринлар Тошкент-1 ҳамда Наманган вилояти полвонларига насиб қилди.

— Белбоғ кураши юртимизда жадал ривожланаётган спорт турларидан, — дейди Жаҳонгир Абдуллаев. — Шунинг учун ҳам универсиада беллашувларида гиламга чиққан курашчилар маҳорат, тажриба бобида бир-бирдан қолишмайди. Мен бу мусобақада Наманган жамоаси ҳисобига олтин медаль келтирганимдан фахрланаман.

Енгил атлетика бўйича кураш ҳам қизгин кечмоқда. Турли масофаларга югуришда Тошкент-1 жамоаси аъзолари — Наталья Филатова, Анна Сидорова, Албина Сибатулина, Олег Журавлев, самарқандлик Елена Пискунова, Тошкент вилояти вакили Олег Норматов, Руслан Акимов, сирдарёлик Иван Морозов маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Ядро улоқтириш беллашувларида Тошкент вилояти жамоаси аъзоси На-

таля Бессмертных ва бухоролик Денис Поповга тенг келадиган топилмади. Узунликка сакраш бўйича мезбонлардан Ирина Пак ҳамда Тошкент вилояти вакили Леонид Андреев голиб чиқди.

«Дельфин» сув спорти саройида сузувчилар турли масофаларга брасс, чаққанча ва эркин усулда сузиш бўйича беллашди. Аёллар баҳсида наманганлик Диана Вишнякова, пойтахт вилояти вакиллари Саида Исқандарова ҳамда Елена Лисицкая барча рақибларидан устун эканини исботлаган бўлса, эркеклар ўртасида ҳам учта олтин медалдан иккитаси Тошкент вилояти спортчилари Евгений Черняев ва Олег Сидоровга, биттаси пойтахтлик Михаил Алексеевга насиб қилди.

Эркин усулда сузиш бўйича эстафета баҳсларида Тошкент-1 жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Наманган ва Тошкент вилояти вакилларига насиб қилди.

— Мен кўп йиллардан буён сузиш билан шуғулланаман, — дейди Навоий терма жамоаси аъзоси Юлия Васькевич. — Бугунги баҳсларда 50 метрга эркин усулда сузиш бўйича кумуш медалга сазовор бўлдим. Самарқандликлар универсиадага пухта тайёргарлик кўрган экан. «Дельфин»дай замонавий сув ҳавзасида сузишнинг ўзи роҳат.

Универсиада спорт ўйинлари давом этмоқда.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВА,
Ақбар ҚАРШИЕВ,
Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎЗА мухбирлари**

**ЎЗНИ «КАМОЛОТ»
БИЛАН**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмағида «Ўзни «Камолот» билан» шиори остида бир қатор лойиҳаларни амалда таътиб этди. Мазкур лойиҳаларни амалга оширишдан мақсад ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёз давомида марокли дам олишни таъминлаш, ишга жойлашмоқчи бўлган ёшларга ёрдам беришдан иборат эди. Мазкур лойиҳа асосидаги тадбирлар июнь-август ойларида бўлиб ўтди.

«Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими кам таъминланган оила фарзандлари учун ёз мавсумида пойтахтдаги 25 та мактабларда ёзги оромгоҳ масканини ташкил қилди.

Тузилган ҳар бир оромгоҳга 100 нафар бола жойлаштирилди. «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими сардорлари 18 кун давомида оромгоҳларда турли хил маданий, кўнгилочар, тарбиявий ҳамда спорт тадбирларини ташкиллаштириш билан шуғулландилар. «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими томонидан тузилган бу каби оромгоҳларда кам таъминланган оилалардан келган 2400 нафар бола дам олди.

Ёзги таътил мавсумида шаҳар ташқарисидида жойлашган 28 та оромгоҳларда 35000 нафар бола дам олиб соғлигини тиклаб олишга муваффақ бўлди.

«Камолот»нинг туманлардаги бўлимлари эса «Ёшлар — гивандликка қарши», «Келажак авлод — соғлом авлод», «Саломатлик — туман бойлик», «Спорт мусобақалари» каби акцияларини ёзги дам олиш мавсумида оромгоҳларда кенг тарғиб қилишди. Бундан ташқари дам олаётган болалар учун маданий кўнгилочар дастурлар ҳам намоиш этилди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!****«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ
БИРЖА МАРКАЗИ»**

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚҮЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚҮЙИЛГАН:

- Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм.
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 939 110 сўм.
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмасор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бош-

ланғич нархи — 2 540 396 сўм.

- Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кирки тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи — 48 648 225 сўм.

- Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи — 5 775 000 сўм.

- Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Х.Олимжон» майдони, гар-

бий томонида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки) Бошланғич нархи — 5 841 600 сўм.

- «Руслан Шамшад» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар:

— станок СМЖ-357. Бошланғич нархи — 1 400 221 сўм;

— 1Г 340 П револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунини соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

**Ҳўжасиз юришувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда
тадбиркорлар диққатига!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети томонидан 2003 йили Абдулахатов Азизбек Авазбекович номига берилган В №127403 (рўйхат рақами №237/03) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Спорт

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ШОҲСУПА ТҮРИДА

Республикада ҳар хил спорт турлари билан бирга соғломлаштирувчи, кишиларга тетиклик бахш этувчи оммавий спортни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. «Отам, онам ва мен», «Соғлом оила» каби қизиқарли мусобақаларнинг мунтазам равишда уюштириб турилиши шулар жумласидандир.

Яқинда шахримиздаги Республика олимпика заҳиралари коллежида спорт ва ҳаракатли ўйинлар бўйича «Соғлом оила» мусобақаларининг ўтказилиши ҳам фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон телерадиокомпанияси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва «Соғлом авлод» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган оилавий мусобақаларнинг республика босқичида вилоятларда ўтказилган турнир ғолиблари бўлмиш оилалар оилавий эстафета, арқон тортиш ва бошқа кўпгина қизиқарли йўналишлар бўйича ғолибни аниқлаш юзасидан ўзаро баҳс юритишди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, мусобақаларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрган ҳамшаҳарларимиз — Шуқуровлар оиласи барча рақибларини ортда қолдирган ҳолда хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олишди. Сурхондарё ва Наманган вилоятидан келган спортсевар оилаларга эса иккинчи ва учинчи ўринлар nasib этди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

БИРИНЧИ ЎРИНДА — МАЙДОН ЭГАЛАРИ

Андижон шаҳрида «Футболимиз келажаги» турнирининг 15-16 ёшли болалар ўртасидаги худудий босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари жамоалари ўзаро куч синашган мусобақаларда Андижон вилоятининг «Дехқонobod» маҳалласи ўсмирларига тенг келадиган жамоа топилмади. Ҳамшаҳарларимизга эса фахрли учинчи ўрин nasib этди.

Ғолиб ва совриндорларга ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Болалар спорти

КЕЛАЖАКДА АЛБАТТА ЧЕМПИОН БЎЛАСАН, БЕҲЗОД!

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган 13 йил ичида озмувча ютуқларга эришмадик дейсизми. Барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ўз тотли мевасини бермоқда. Аиниқса болалар спортини ривожлантиришга қаратилган улкан эътиборни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.


Дарҳақиқат, фарзандлари соғлом юртининг қудратли бўлишига шак-шубҳа йўқ. Болалар ўртасида спорт ривожига қаратилган эътибор, бу борадаги ҳар томоёлама қўллаб-қувватлашлар нуфузли халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёшларимизнинг тобора кўпайиб боришига ҳам имкон яратмоқда.

Шаҳримиздаги 110-мактаб ўқувчиси Беҳзод Хушбоқов ҳам Истиқлолимиз тенгдошидир. 13 ёшли бу ўғлон беш йилдан буён таэквондонинг ITF йўналиши билан шуғулланиб келади. Таҷрибали ва заҳматқаш мураббий Фаҳриддин Умаровдан таэквондо сирларини ўрганаётган Беҳзод қўлга киритаётган ютуқлар қўлами ҳам аста-секин кенгайиб бормоқда.

Маълумки, яқинда Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича фаҳрийлар ва ёшлар ўртасида XIII жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. 43 мамлакат вакилла-

ри қатнашган нуфузли мусобақаларда спортчиларимиз битта олтин, тўққизта кумуш ва олтита бронза нишонларининг соҳибни бўлиб, умумжамоа ҳисобида фаҳрли иккинчи ўринни эгаллашди. Ушбу муваффақиятга эришишимизга устоз ва шогирд таэквондочилар ҳам ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишди. Жумладан, Фаҳриддин Умаров фаҳрийлар ўртасида олтин медални қўлга киритган бўлса, иқтидорли шогирд Беҳзод Хушбоқов учинчи ўринни эгаллаб, бронза нишонлари билан тақдирланди.

— Спортга қизиқишимга авваламбор ота-онам сабабчи, — дейди биз билан суҳбатда Беҳзод Хушбоқов. — Иккинчи синфга борганимда улар мени таэквондо тўғрарига беришди. Шундан кейин ўзим ҳам спортнинг ушбу турига меҳр қўйдим. Дастлабки ютуққа эса 2002 йилда 11 ёшли болалар ўртасида шаҳар биринчилигида 3-ўринни эгаллаган ҳолда эришдим. Малайзиядаги жаҳон чемпи-



онатида ҳам шу натижани такрорлашга муваффақ бўлдим. Ҳозир ҳаётимни спортсиз тасаввур қилолмайман. Чунки доим ўзимни соғлом ва тетик, жисмонан бақувват ҳис қилмоқдаман. Ўқишларим ҳам яхши. Мақсадим келгусида нуфузли мусобақаларда галаба қозониб, мустақил юртимиз доврuginи жаҳонга ёйишидир.

Биз ҳам Беҳзоджонга: «Барча галабаларинг ҳали олдинда. Хайрли ниятларингга албатта етти, спортимизнинг ёш юлдузи», дея тилак билдириб қоламиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ

«ЖАР»ДА КИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

Келажакимиз ворислари — ёшларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларнинг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларини таъминлаш макссадида мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида

спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Куни кеча «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида тарбияси оғир болалар ўртасида уюштирилган спорт мусобақалари Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига бағишланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимлари ҳамкорликларида ташкил этилган ушбу спорт тадбири-

да 300 нафардан зиёд бола ғолиблик учун кураш олиб борди. Спортнинг баскетбол, волейбол, шахмат, шашка, сузиш, мини-футбол турлари бўйича уюштирилган беллашувлар қизиқарли ва мурасиз кечди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари, совринлари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Қаққаз

КУНЛАРДАН БИР КУНИ

Машхур зоолог Брем талабаларга маъруза ўқирди. Бир куни маъруза тугаши билан талабалардан бири ундан сўради: — Жаноб профессор, айтинг-чи, дунёда шердан кўрқмайдиغان ҳайвон ҳам борми? — Албатта бор, — жавоб қилди Брем. — У ҳайвон — она шердир.

Марк Твен бир зодагон аёлни столга таклиф қилиб, деди: — Бугун бирам гўзаллашибсизки... Аёл кулди: — Сизни қандай қилиб-макташимни бил-

май колдим...

Твен қаҳ-қаҳ отиб, жавоб қилди: — Сиз ҳам менга ўхшаб ёлгон гапира қолинг, хоним.

Америкалик бир раққоса Бернард Шоу ҳақида эшитиб қолибди. Унинг ўткир ақлига ўзининг келишган қоматини тенг биллиб, Шоуга турмушга чиқиш истагини билдирибди:

— «Жаноб Шоу, — деб бошлагани раққоса ёзувчига йўллаган мактубини, — бир тасаввур қилинг-а, тугилажак фарзандимизда Сизнинг ақлингизу, менинг қоматим мужассам бўлса...»

Шоу раққосага шундай жавоб қайтарибди:

«Худо кўрсатмасин, айтганингизнинг тескариси бўлиб қолса-чи. Хай, хай, ўтинаман Сиздан, мени тинч қўйинг...»



Сўзсиз суратлар.

Абдурасул Ҳакимов чизган расмлар.

Фани АБДУЛЛАЕВ



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳазлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-93, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъбқ обфсет усулида босилади. 2812 нурханда босилади. Кўргаз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Наشريни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбос ақциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.